НАМАНГАН ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ОРАСИДА РАНГ-БАРАНГ ТЕМИРАТКИ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ДИНАМИКАСИ

Э.Х.Эшбоев[1], А.М.Валиев[2]
[1,2]РИДВваКИАТМ, Наманган вилояти РИДВваКИАТМ филиали

DOI: 10.67620/dermajournal.1730033

Ранг-баранг тиҳемиратки касаллигига Malassezia furfur замбуруғи сабаб бўлади. Хасталик ўспириллар орасида кенг тарқалган бўлиб жуда тез юқади.

Ранг-баранг темиратки касаллигини тарқалишини олдини олишда, касалликнинг профилактикасида ушбу касалликнинг эпидемиологияси, этиопатогенези, клиникаси, лаборатор диагностикаси, давоси бўйича барча турдаги илмий, амалий хамда статистик маълумотлар жуда зарурдир. Жахон хамда махаллий олимларнинг берган маълумотларига кўра ранг-баранг темиратки касаллиги билан кўпроқ ўсмир ёшдаги болалар ва кейинги пайтларда кўпроқ катта ёшлиларда ҳам касалланиш кўп кузатилмоқда.

Ранг-баранг темиратки касаллиги билан касалланиши Наманган вилояти аҳолиси орасида аниқланиши таҳлили 2024-2025 йилларининг йиллик статистик малумоти асосида олиб борилди ва касалликни аҳолининг барча қатламида аниқланишни хамда лаборатор таҳлиллар натижаларини ўрганиш мақсад қилиб олинди.

2024-йили давомида Наманган вилояти ахолиси орасида ранг-баранг темиратки касаллигини аниқланиши 2332 (100 минг ахолига нисбатан интенсив кўрсаткичи 36,4) бўлиб 2025 йил эса ранг-баранг темиратки касаллигини аниқлаш 2535 та (100 минг ахолига интенсив кўрсаткичи 38,7) бўлган.Маълумотлардан кўриниб турибди-ки, ахолини ранг-баранг темиратки касаллиги билан касалланиш кўрсатгичлари 2024-йилга нисбатан 2025 йилда кўпайган. Айниқса 18 ёшдан катта болалар орасида касалликни аниқланиши 2024 йилга нисбатан 2025 йилда ошган. Яъни 2024-йил 695 (27,7 %) нафар болаларда ранг-баранг темиратки касаллиги аниқланган ва 2025 йилда эса 787 (32,4 %) нафар болалар ушбу касаллик билан касалланишган.

Наманган вилоятида мавжуд тиббиёт муассасаларида 2024-йилда 3615 нафар беморларда ранг-баранг темиратки касаллиги аниқлашга лаборатор тахлиллар ўтказилган ва 2332 нафар беморда ранг-баранг темиратки касаллиги аниқланган. 2025-йилда эса касалликни аниқлашга 3822 нафар бемордан текширилган ва 2595 нафаридан ранг-баранг темиратки касаллиги аниқланган. Ушбу соҳада изланишлар давом этмоқда.